

## ЁШ АВЛОДНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ

*Атажанова Муяссар*

*Хоразм вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармаси,  
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази катта ўқитувчиси*

*Аннотация:* Мақолада ёш авлоднинг экологик маданиятини ошириш. Экологик таълимнинг моҳияти, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

*Калим сўзлар:* Экологик таълим, экологик маданият, табиат, табиий бойликлар.

## INCREASING THE ECOLOGICAL CULTURE OF THE YOUNG GENERATION

*Atajanova Muyassar*

*Khorezm Regional Department of Emergency Situations,  
Senior Lecturer in Life Safety Training Center*

*Annotation:* The article aims to increase the ecological culture of the younger generation. There is information about the essence of environmental education, raising the environmental culture of the population.

*Keywords:* Ecological education, ecological culture, nature, natural resources.

**Кириш:** Табиат ер юзидаги жамики тирик мавжудот учун муқаддас гўшадир. Табиат уларни тўйдиради, кийдиради, иссиқ ва совуқдан асрайди. Ўз навбатида тирик мавжудот ҳам табиатга меҳр қўяди. Бу меҳр табиатни асраш, унинг бойликларини кўпайтириш туйғуси билан уйғунлаша олсагина ҳақиқий саналади. Яқин ўтмишимизда биз «Табиатни севамиз» деб бонг урдигу, бироқ уни асраб-авайлаш ишига масъул эканлигимизни унутиб қўйдик. Ана шу масъулиятсизлигимиз экологияни бузилишига ва керак бўлса инсоният учун энг катта муаммолардан бирига айланиб қолди. Янги асрнинг баркамол

кишииси ўзида экологик маданият унсурларини ҳам намоён эта олиши замон талаби эканлигини унутиб қўймоқдамиз.

Экологик маданият — бу атроф-мухит тўғрисида чуқур билимга, табиатни асраш туйғусига эга бўлиш, ўсимликлар ҳамда ҳайвонларга нисбатан ғамхўрлик кўрсатишга, табиат захираларидан оқилона фойдаланиш, уларни кўпайтириш борасида қайғуришга қаратилган амалий фаолиятнинг юксак кўрсаткичидир. Ана шу хислатларни ўзида акс эттира олган инсонни экологик маданият эгаси, деб аташ мумкин.

Маълумки, табиатда ҳамма нарса бир-бирига уйғундир. Фан-техника ютуқларидан унумли фойдаланаётган инсон эса ана шу уйғунликни бузмоқда, унга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлмоқда. Табиий бойликлардан: сувдан, ердан ўринсиз фойдаланиш экологияни ўзгартириб юборди. Қишлоқ хўжалиги экинларини нотўғри режалаштириш, кимёвий ўғитларни ҳаддан зиёд кўп қўллаш ер унумдорлиги ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатяпти. Корхоналардан оқиб чиқаётган заҳарли оқавалар сув ҳавзаларини ифлослантириши биринчи навбатда ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсига офат келтирмоқда. Транспорт воситаларидан чиқаётган тутун-газ ҳавонинг тозаллигини бузаяпти. Бунинг барига биз ўзимиз сабабчи бўлиб қолмоқдамиз ва бунинг оқибатида ҳам табиатга, ҳам ўз соҳлигимизга зарар етказмоқдамиз.

Завод ва фабрикалар билан биргаликда автомобиллар ва бошқа турдаги транспорт воситалари ҳам ҳавони ифлослантириб, табиатга катта зарар етказмоқда. Шундай экан, мен, сиз ва барчаамиз табиий ресурсларни сақлаб қолиш, келажак авлодлар тоза ҳавода нафас олишлари ва табиат совғаларининг мўл-кўллигидан баҳраманд бўлишни учун хозирданок уни асраб-авайламоғимиз керак бўлади. Бугун инсониятнинг табиатга нисбатан салбий муносабатлари оқибатларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Дунёнинг бир бурчида сув тошқинлари, зилзилалар рўй бераётган бўлса, бошқа жойида ўрмон ёнғинлари кузатилаяпти. Бу каби глобал муаммолар табиат бойликларидан экологик омиллар ҳисобга олинмаган ҳолда фойдаланиш натижасида ўтган асрнинг иккинчи ярмида авж ола бошлаган эди.

**Мавзунинг долзарблиги:** Табиатга бўлган меҳр туйғуси бойиб, унга муносабат шахс маданиятининг ажралмас бир бўлагини ташкил этади. Ҳар бир инсон табиатдан баҳра олади. Аммо бу ҳали табиатга муҳаббат дегани эмас. Табиатга муҳаббат уни тушунишдан, унинг гўзалликларини англашдан, табиат билан муносабатга киришишдан бошланади. Ўз навбатида, табиат инсонда кузатувчанлик, сезгирлик, назокатлилиқ каби туйғуларни тарбиялайди. Бу — инсонда икки кўринишда: табиатга ва ўзига бўлган муносабатларда намоён бўлади. Инсон табиатдан фақат завқланишни эмас, балки уни яхши тушунишни ҳам ўрганади. Натижада, ўзлигини ҳис қилиб, табиатдан унга инсон бўлиш имконини берган яъни инсонга хос маданият ҳисларини топишга интилади. Демак, инсоний туйғулар табиатга ҳамда экологияга меҳр билан қарашдан озик олади.

Айни чоғда экологик муаммоларни ҳал этишда тежамкор, экологик тоза технологияларни жорий қилиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини изчил олиб бориш ёки соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар уларни ҳал этишда етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиат неъматларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш антропоген таъсирларнинг олдини олишда асосий омиллардандир. Бунда экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳам ниҳоятда юқори. Зеро, экологик таълим-тарбия табиат ва жамият ўртасидаги узвийликни таъминлаш ҳамда табиий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, экологик таълим-тарбия ёшларни табиатдан онгли равишда фойдаланиш ва улар қалбида табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳамда тежамкорликка ўргатишда қўл келади.

Албатта, ёш авлод қалбида табиатга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим масалалардан саналади. Бу, ўз навбатида, педагог кадрлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча жабҳалар қаторида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона

фойдаланиш соҳасида тўлақонли ҳуқуқий-меъёрий база яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек, бошқа қатор ҳужжатлар экологик таълим- тарбия тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун барча турдаги таълим муассасаларида экология фанини ўқитишнинг мажбурийлигини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилган. Шубҳасиз, атроф-муҳит мусавволигига эришиш ва экологик муаммоларнинг олдини олишда аҳолининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш масалаларини онгли равишда ҳал этиш учун оила, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, ўқувчи ёшларда табиатга меҳр-муҳаббат руҳини шакллантириш, экологияга оид билимларни улар шуурига сингдириш даркор. Бу келажакда атроф-муҳитни муҳофаза қила оладиган ва табиатдан оқилона фойдаланадиган авлодни шакллантиришнинг муҳим шартидир. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод табиат ҳақидаги билимларни эгаллаб, теварак атрофнинг нозиклигини, унинг гўзалликларини қалбан ҳис қила олсагина, она-Ватанга, унинг табиатига муҳаббати ошади. Таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида ўқувчи - ёшлар онгини ҳозирги экологик муаммолар моҳиятини очиб берувчи билимлар билан бойитиш ва шу билимларни уларнинг амалий фаолияти, ижтимоий меҳнати билан мустаҳкамлаб бориш мақсадга мувофиқ. Бундай масъулиятли вазифани ҳал қилиш учун ўқитувчидан шу соҳа бўйича билимга, педагогик маҳоратга, юксак экологик маданиятга эга бўлиш, шунингдек, тинимсиз изланиш, ўрганиш талаб қилинади. Бу борада, ўқув марказларида “Экологик марказ”, “Экологик тўғарак”ларни ташкил қилиш, мунтазам равишда экофестиваллар ёки танловлар ўтказиб туриш, ўқув-методик қўлланмалар, дарсликлар, кўрганмалар материалларни нашр этиш яхши самара бериши, шубҳасиз.

**Хулоса:** Экологик таълим-тарбияни юзага келтирувчи масканлардан яна бири, бу — маҳалла. Дарҳақиқат, халқимизда табиатга бўлган эҳтиром тарих каби кўхнадир. Шу маънода, азалий қадриятларимиздан бўлмиш умумхалқ ҳашарларини ўтказиш ва уларга ёшларни кўпроқ жалб этиш айни муддао. Умуман олганда, ўқув юртлари, оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ёшларнинг узлуксиз экологик таълим-тарбияси борасида самарали тизимни яратиш бугун зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган туркум кўрсатув, эшиттиришлар, ижтимоий-экологик роликларни мунтазам эфирга узатиб бориш, вақтли матбуот нашрларида мақолалар чоп этиш орқали тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ҳам аҳолининг экологик маданиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Табиат инсонда ватан туйғусини уйғотади, уни меҳнат ва жасоратга ундайди, жуда кўп туйғуларни камол топтиради ҳамда кўп нарсаларни талаб этади. Маданиятли, маънавий камол топган инсон учун ўз Ватани табиатини муҳофаза қилиш ҳаёти ва фаолиятининг узвий қисмига айланиб қолади. Демак, экологияни муҳофаза қилишимда сен, мен ёки у жавобгар, деб эмас, балки ҳаммамиз масъулмиз шиори остида бирлашиб уни муҳофаза қилишимиз керак, ана шундагина кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга мўлжалланган илмий-оммабоп кўлланма Тошкент-2019.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni "Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish" to'g'risida farmoni Toshkent sh 2018-yil 3-oktabr PQ-3956-son
3. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.(O'n ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy kengashining o'n birinchi sessiyasi (1992 yil 8 dekabr)da qabul qilingan). –T.: Adolat, 1992. y.